

ОТАНАЗАР МАТЕКУБОВ

МАҚОМОТ



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
МАДАНИЯТ ИШЛАРИ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ КОНСЕРВАТОРИЯСИ
ИХТИСОСЛАШГАН ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ МАРКАЗИ**

Отаназар Матёкубов

МАҚОМОТ

**“МУСИҚА” нашриёти
Тошкент
2004**

Тақризчилар:

- Наталья Янов-Яновская* — санъатшунослик доктори, профессор
(Ўзбекистон),
Аслиддин Низомов — санъатшунослик доктори, профессор
(Тожикистон),
Теодор Левин — Дортмунд университети профессори,
 доктор (АҚШ)

Нашр учун масъул:

Бобохон Шариф

Масъул муҳаррир:

Ботир Матёкубов

Муҳаррирлар:

Равшан Жомонов
Ҳамидулла Аминов

Ушбу китоб тарихан шаклланган Бухоро, Хоразм, Фарғона-Тошкент мақомлари ҳамда Ўзбекистон ва Тожикистонда юзага келган Шашмақом намуналарини умумий илдизларга мансуб мақомот тизими сифатида ўрганишга қаратилган илмий тадқиқот. Муаллиф мақомотнинг туб масалаларини кенг маданий-тарихий, фалсафий-эстетик ва илмий-амалий жараён билан узвий боғлаган ҳолда кўриб чиқишга интилади.

Тадқиқотдан кўзланаётган асосий мақсад асрлар оша келаётган миллий қадрият бўлмиш мақомларнинг жаҳоншумул аҳамиятини замонавий илм-фан ютуқларига таянган равишда очиб беришдир. Ундан ўрин олган ноёб манба ва маълумотлар, нодир нота ёзувлари изчил илмий қарашларни исботлашга қаратилган.

Китоб мусиқашунос-мутахассислар, олий ва ўрта махсус санъат билим юртларининг ўқитувчи ва талабалари, шунингдек кенг доирадаги мусиқа мухлисларига мўлжалланган.

Матёкубов Отаназар.

Мақомот. /Масъул муҳаррир: Б.Матёкубов. — Т.: “Мусиқа”, 2004. — 400 б.

ББК 85.313(5У)

© «Мусиқа» нашриёти, 2004 й.

© О.Матёкубов, 2004 й.

Шамшақов - шаҳон маданиятининг бебаҳо мероси.

Ундан ҳар бир инсон, ирқи ва элқадодан қатъий назар,

ўз қалбига драма гузаришиқ топиши мумкин.

Марказий Осиё халқларининг ўтмиши, ҳозирги ва келажак
муслиқий маданиятини Шамшақовнинг кўзга келтириши
мумкин эмас. Бу классик муслиқа драмаларининг
барчасини сарҳисоб этиши қийин. Менинг назаримда
Отаназар Маёҳубовнинг қиролида умлағи идроклаши
узун йўл огувчи ҳаққоний сўзлар топишганга ўқинади.

Рўстам (Мўтабақши) Бурханов.

М. Бур.

Бухоро 21/март 2000 йил.

АСЛ АНЪАНАЛАРГА ҚАЙТИШ

Отаназар Матёкубовнинг кўп йиллик изланишлари самараси бўлган ушбу янги тадқиқотнинг асосий маъно-моҳиятини мухтасар қилиб, “асл анъаналарга қайтиш” деб таърифлаш мумкин. Жонли меросимиз, устоз санъаткорларнинг билим ва тажрибаларига мурожаат қилиш ҳамда улар билан узоқ йиллар давомида бевосита мулоқотда бўлиш китоб муаллифига кўп жиҳатлардан янги, ноёб ва ишончли маълумотлар тўплаш имконини берди. Хусусан, мақом санъатига доир тарихий манбалар, мумтоз мусиқа рисоалари, турли мақомот мактаби вакиллари ижро этган намуналарнинг аудио тасмалари, уларнинг суҳбатлари, эътибордан четда қолган нота ёзувлари ва эски танбур чизиги матнларининг ўқилиши, давлат ва шахсий коллекциялардаги хужжатлар, кундаликлар, баёзлар, фотосуратлар, таниқли ҳофизлар қўллаган дастак (шеърий дафтар)лар каби талай маълумотларни ташкил қилади. Буларнинг ҳаммаси бир бутунликда мақомотнинг одатдаги тадқиқот доирасини фавқулудда кенгайтириб юборган.

Ана шундай ишончли манбаларга суяниб, О.Матёкубов XX аср мақомоти ривожига янгича қарашга интилади. Унда кенг маданият-шунослик миқёси ва миллий негиз уйғун ҳолда жорий этилади. Бир томондан, мақомот Ўрта Осиё бадиий воқелиги (феномени) сифатида кўрсатилса, бошқа тарафдан у ушбу ҳудудни XX асрда ларзага солган ижтимоий-сиёсий ва маданий ҳаётга ўз таъсирини ўтказган жонбахш куч сифатида намоиш этилган. Ўзбекистон ва Тожикистонда янги миллий мақом удумларининг пайдо бўлиши ҳам аслида айнан ана шу умумий жараён билан боғлиқ. Бундай кенг ёндашув муаллифга мақомларнинг мукамал ўлчамли табиатини оддийлаштирмасдан, сунъий равишда тор этник қарашлар гирдобига тушиб қолмаслик имконини берган.

XX аср мақомот тарихига турлича қараш мумкин. Ушбу юз-йилликда серқирра мақом анъаналари нафақат юксалиш, балки кўплаб тушкунлик ва йўқотишларни ҳам бошдан кечирди. Назаримизда, таназзул жараёни кўп жиҳатдан мақомотнинг Бухоро мактабига тегишли бўлди. Бинобарин, Шашмақом ўз маконидан сунъий равишда кўчишга мажбур эди. Ушбу қадимий Бухоро мақом аънаси Бухоро воҳасининг ўзида қайта тикланадими? Албатта, бунга қатъий тарзда жавоб бериш қийин. Асар муаллифи ана шундай зиддиятлар қуршовида мақомларнинг XX асрдаги тарихий йўлига нисбатан ўз қарашларини ҳимоя қилади ва “янгиликнинг пайдо бўлиши ундан олдинги аънааларни асло инкор этмайди”, деган хулосага келади.